


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 306,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 301,6 млрд. сўмни (106,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,2 млрд. сўмни (101,1 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 3,5 млрд. сўмни (115,9 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. 2017 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2416 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,1 фоизга кўп), мева ва резаворлар 109,0 тонна (16,0 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 3,9 фоизга (жами 422,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 1,3 фоизга (173,4 минг бош), паррандалар 9,4 фоизга (2,2 млн. бош) кўпайди, отлар эса 4,6 фоизга камайиб 15487 бошни, қўй ва эчкилар 1970,2 минг бошни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	422,7	103,9
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	24,0	101,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	387,9	103,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,8	140,3
улардан сигирлар	173,4	101,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,7	101,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	163,0	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,7	115,3
Қўй ва эчкилар	1970,2	100,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	164,4	107,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1074,6	103,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	731,2	94,1
Отлар (бош)	15487	95,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1033	120,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	8937	97,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга	5517	89,6

	минг бош	ўсиш суръати, %
оширувчи ташкилотлар		
Паррандалар	2233,7	109,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	238,3	100,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1478,0	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	517,4	125,3

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 91,8 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,7 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,0 ва 5,0 фоизни, қўй ва эчкилар 54,5 ва 8,3 фоизни, отлар 57,7 ва 6,7 фоизни, паррандалар 66,2 ва 10,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 25,8 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 6,1 фоизга кўп), 75,0 минг тонна сут (6,6 фоизга кўп), 69,9 млн. дона тухум (6,2 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:


	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	25,8	106,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,9	108,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	21,1	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,8	105,1
Сут, минг тн.	75,0	106,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,9	105,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	70,0	106,7

	миқдори	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,1	105,8
Тухум, млн. дона	69,9	106,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	7,2	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	38,7	107,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	24,0	103,6

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 85,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 98,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 65,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 13,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 4,5 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжалиklarида 24,0 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 8,7 минг бош сигир, 164,4 минг бош қўй ва эчкилар, 1033 бош от, 238,3 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-март ҳолатига фермер хўжалиklари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

январь-март					
	2016 йил		2017 йил		2016 январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	61	2,8	65	2,7	106,6
Мевалар ва резаворлар	12	12,8	14	12,8	116,7
Гўшт, тирик вазнда	852	3,5	924	3,6	108,5
Сут	3700	5,3	3887	5,2	105,1
Тухум, минг дона	6794	10,3	7234	10,3	106,5
Қоракўл тери, дона	9405	6,2	9486	6,2	100,9
Овланган балиқ	270	25,8	326	27,0	120,7